
Мингтутликларнинг ичимлик сув таъминоти яхшиланди

Мингтут маҳалла фуқаролар йиғини Ўзбекистон туман марказидан 25 чақирим олисда жойлашган.

Маҳалладаги мавжуд ичимлик суви иншоатининг носоз ҳолатга келиши бир неча йиллардан буён ушбу ҳудудда истиқомат қиладиган аҳолини қийнаб келар эди. Шу кунгача сув босимининг пастлиги ёки насоснинг кўп бора бузилиши ҳолатлари рўй берган.

Ҳудуд аҳолисининг бу борада туман ҳокимлигига қилган мурожаатларини ижобий ҳал этиш, муаммони буткул бартараф этишга астойдил киришилди.

Ҳокимлик ташаббуси билан "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ билан ҳамкорликда махсус техникалар жалб этилиб, сув қудуғи буткул тозаланди ҳамда 120 метр чуқурликдан тоза ичимлик суви қайтадан катта босимда чиқарилди. Шунингдек, иншоатга ўрнатилган ва шу кунгача яроқсиз ҳолатга келган сув насоси мукамал таъмирланди.

Натижада, сув иншооти тўлиқ ишга туширилиб, ҳудуддаги 220 дан ортиқ хўжаликларда истиқомат қилувчи аҳолини сув таъминотини яхшиланишига эришилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-08-04 20:30:05